

**ЎСПИРИН ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ
ВА ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР****Бақоева Зарина Райимовна**

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Телефон: +(99890) 062-81-82. zbakayeva69@gmail.com**Сайфуллаева Кумушбеби**Низомий номидаги ТДПУ Физика-математика факултети физика-астрономия
йуналиши талабаси

Биз ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Шавкат Миромонович Мирзиёев.

Аннотация: мақолада ўсмирларни шахс сифатида такомиллашиб боришида миллий қадрият ва анъаналардан фойдаланиш, ота-оналар ва педагоглар ўсмир тараққиётидаги физиологик ва психологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ёндашишлари лозим эканлиги ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: ўсмир, химоя механизими, мотивация, оила, миллий хусусиятлар, ахлоқий тарбия.

Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз [1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31 декабрдаги №1059- сон қарори: Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида ўқувчи ёшларни мустақил фикрлайдиган ва ўз шахсий позитивсига эга инсонлар этиб тарбиялаш, ўсмирларда ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва диний эътиқодни шакллантириб бориш, “Узлуксиз маънавий тарбия” рукнида ота-оналар, педагоглар, болалар ва ўсмирлар учун дарсликлар, адабиётлар, медиамаҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар мажмуасини яратиш лозимлиги ва бошқа масалаларни ҳал этилиши белгилаб қўйилган.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш инсоният тарихида халқ маънавий тақомилининг энг улуғ ва оилавий йўналишларидан бири бўлиб келган [2].

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятдаги ҳар бир шахс ўзининг маълум доирадаги имкониятлари, ютуқлари, камчиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган ҳар қандай мувофақиятсизликларни осонлик билан бартараф этишга, ўз имкониятларидан янада кенгрок фойдалана олишга, бир сўз билан айтганда, ўзлари ҳақида янада теран, ижобий ва ўзига хос ижтимоий қийматга эга бўлган тасоввурларни шаклланишига кенг имкониятлар яратади. Ўсмирлик даври эса худди шундай имкониятлар кўламини янада кенгайтириш учун муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда ёшлар ва уларнинг тарбиявий имкониятлари алоҳида қадрият сифатида тобора юксакларга кўтарилмоқда.

Ўспирин ёшдаги болаларни касбга йўналтириш, миллий қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялаш, аждодлар меросини ўргатиш ва ижтимоий фаоллигини ошириб

бориш орқали уларни шахс сифатида такомиллашиб боришига эришиш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўспиртнларни шахс сифатида такомиллашиб боришида бир қанча жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- ўспиринлик ёшига хос ички позитциянинг пайдо бўлиши;
- ўспиринларда иродавий сифатларни намоён бўлиши;
- фаолият ва мулоқот мазмунини белгиловчи шахсий қадриятлар тизимининг шаклланиши;
- ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўз-ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши;
- миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурматнинг намоён бўлиши;
- ички ҳис-туйғуларга эътиборнинг ошиши ва ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал этишга интилиши;
- хафсиз ҳаёт маданияти бўйича билим ва кўникмаларнинг намоён бўлиши.

Ўспиринларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда, уларни жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиб вояга етишларида ўқув фаолияти асосий омиллардан биридир. Ўспирин ёшдаги болалар билан ишлаш жараёнида ота-оналар ва педагоглар жамоси ҳамкорликда иш юритишлари, хулқ атворидаги ўзгаришларни англаб боришлари ва дунёқарашларини кенгайтириш асосида мулоқот жараёнида уларга ишонч билдириб боришлари муҳимдир.

Дунёқараш-инсон фаолияти, ўзаро муносабатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Дунёқараш инсон шахсини тавсифлайдиган муҳим белгилардан биридир. У маълум қарашлар, эътиқод ва идеалларнинг умумлашган тизимидир[2].

Инсонларнинг дунёқараши деган эди Абу Насир Фаробий,-уларнинг ташқи кўринишига ўхшаб турлича бўлади ва бу фазилат уларнинг илмига, ҳаёт тарзига, яшаш муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жамиятда олиб борилаётган ислоҳатларни чуқур таҳлил этиш, ёшлар билан очиқ-ойдин мунозара қилиш, улар иккиланаётган, шубҳаланаётган саволларга биргаллашиб жавоб излаш таълим-тарбия жараёнини муҳим қисми бўлиб, ўқувчиларда дунёқарашнинг шаклланишига кучли таъсир этади.

Ватанпарварлик- бу ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ўсмир ёшидаги боладан фарқли, ўспирин ёшидаги болалар энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва “5”баҳоаларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради[3].

Кўпинча ўспирин ёшидаги болалар ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлсада, ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали ҳеч бўлмаса ўз тенгқурлари жамияти томонидан тан олинishiга эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади. Агар ўсмир шу даврда тенгқурлари жамияти томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудҳиш воқеадай қарайди, мактабга бормай қўйиши, ҳаттоки суицидал ҳаракатларни ҳам содир этиши мумкин. Бу каби ҳолатларни олдини олишда уларда **“Ҳимоя механизмлари”**ни шакллантириб бориш муҳимдир.

1-жадвал

Ўспирин шахсининг такомиллашувидаги “Ҳимоя механизмлари”

| | |
|-------------------------|---|
| Химоя Механизмлари | Мазмуни |
| Тажовузкорлик | Ўспирин шахсига ва фаолиятига паст баҳо берган, ўзи ҳақидаги тасаввурига иккиланишига сабабчи шахсга бўлган реакция |
| Ўйлаш | Нохуш ҳиссиёт, ҳис-туйғуларнинг бир объектдан талабга мувофиқ бўлмаган бошқа объектга кўчиши |
| Конверсия (ўзгармоқ) | “Мен”лиги юқорилигини сақлаб қолиб ўзига нохуш ҳолатларни, вазиятларни ҳазилга йўяди ва муомилада бўлади ҳамда берилган танбеҳларни ҳазил деб қабул қилади |
| Идеаллаштириш | Ўзини “идеаллаштириш” ўз хатолари ва камчиликларини тан олмаслик |
| Унутиш | Турли нохуш ҳолатлар(одамларни исми, тимсоли, мулоқот вақтидаги келишмовчиликлар)ни эга олмаслик |
| Идентификация | Ўзини бошқа одам билан ва намунали хулқ-атворга эга гуруҳ билан солиштириш ўз хулқ-атвори ва муносабатларини атрофдагилар билан таққослаб, ҳаёт тарзини енгиллаштириш |

Мактаб- давлат узлуксиз таълим тизимининг марказий бўғинидир. Ана шу босқичда ўқувчилар билимларнинг асосини эгаллайдилар, уларда ижодий қобилят, мустақил фикрлаш, Ватан, жамият, шахс, ахлоқ-одоб ҳақидаги тушунчалар шаклланади, такомиллашади[4].

Болаларни шахс сифатида шакилланиб бориши тўғрисида шарқ мутафаккир олимлари ҳам ўз илмий манбаларида баён этиб борганлар. Ибн Синонинг таъкидлашича болани тарбиялаш оила, ота-онанинг асосий вазифасидир. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига тегмасдан яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насихат қилишдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки ўспиринлар шахсини такомиллашиб боришида ўқув фаолияти асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ўспиринлар билан ишлаш жараёнида ота-оналар ва педагоглар айнан шу даврга хос хусусиятлар, организмидаги турли физиологик жараёнлар ҳақида билимларга эга бўлишлари, таълим-тарбия жараёнида уларда миллий кадриятлар ва анъаналаримизни сингдириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Тошкент-2019 йил 85-бет.
2. Ф.Акрамова, З.Билолова. Ёшларни мусахкам оилавий муносабатларга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик йўналишлари. Тошкент-2021 йил. 50-бет.
3. Васида Каримова. Психология. Тошкент 2002 йил 157-бет.
4. Малла Очилов. Муаллим қалб меъмори. Тошкент 2001-йил. 12-бет.
5. Э. Ғозиев. Умумий психология. Тошкент 2002 йил.
6. А.Зунунов, М. Хайруллаев, Б. Тўхлиев, Н. Ҳотамов. Педагогика тарихи. Тошкент. 2000 йил.
7. Узлуксиз маънавий тарбия концепсияси Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 1059-Қарори. 31 декабр 2019 й.

